

Апелляция инстанциясида  
маърузачи: судья А.Тураев

Биринчи инстанция судининг  
судьяси: З.Рахимов

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
А Ж Р И М И

2022 йил июнь ойининг 30 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъати вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Расулов,

ҳайъат судьялари: У.Имомова, А.Тураевдан иборат таркибда, А.Нишановнинг котиблигида, прокурор Х.Рахмонов, жабрланган Х.С, судланган Х.Т ва унинг ҳимоячиси А.Кабилова, судланганлар Б.Э, Г.А ва уларнинг ҳимоячиси Х.Эргашбоевнинг иштирокида, судланган Х.С.Т ва бошқаларга оид жиноят ишини жабрланган Х.С, судланганлар Б.Э ва Г.Аларнинг ҳимоячиси билан биргаликда келтиришган шикоятларига асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2022 йил 10 майдаги ҳукмига асосан:

Х.С.Т, 1981 йил 3 августда Олтинқўл туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, тадбиркор, муқаддам судланмаган,

иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Б.К.Э, 1973 йил 28 майда Шаҳрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, тадбиркор, муқаддам судланмаган,

иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш



ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Г.С.А, 1993 йил 1 сентябрда Шаҳрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, тадбиркор, муқаддам судланмаган,

иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Б.Э, Х.Т ва Г.Алар олдиндан тил бириктиришиб, гуруҳ бўлишиб, 2021 йил 3 ноябрь куни соат 16:30 ларда Шаҳрихон тумани, Муллабой МФЙ, Амир Темир кўчасида жойлашган “Марказий дехқон” бозори ҳудудида таниши Х.С билан олдиндан келиб чиққан шахсий адовати туфайли ўзаро жанжаллашиб, Х.Сни қасддан уришиб, қўлларида тортқилашиб, унга ўнг қўл 4-бармоқ тирноқ фалангаси ёзувчи пайини травматик узилиши, чап қўл елка соҳасида қонталашлар, чап оёқ тизза соҳасида шилинмалардан иборат бўлган ўртача оғир шикаст етказишганликда айбли деб топилишган.

Жабрланувчи Х.С апелляция шикоятда, унга судланувчи Х.Т, Б.Э ва Г.Алардан ташқари Н.Каримова ва О.Исмоиловалар ҳам тан жароҳати етказишганини, лекин улар жавобгарликка тортилишмаганини, шу сабабли уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун тегишли материалларни прокурорга юбориб, судланувчи Х.Т, Б.Э ва Г.Абдурахмоновларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўраган.

Судланувчи Б.Э ва Г.Алар ҳимоячиси билан биргаликда келтиришган апелляция шикоятда, улар Х.Т билан биргаликда Х.Сга тан жароҳати етказишмаганини, Х.С қўлидаги жароҳатни воқеадан олдин олганини, бу ҳолатни судда сўроқ қилинган гувоҳлар ҳам тасдиқлашганини, экспертиза хулосасида ҳам Х.Сни жароҳати эски жароҳат экани ҳақида хулоса берилганини кўрсатишиб, ўзларига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Жабрланувчи Х.С эътирозномасида, судланувчи Б.Э ва Г.Аларга қонуний чора кўришни сўраган.

Судланувчи Х.Т эътирозномасида, судланувчи Б.Э ва Г.Аларнинг шикоятларини қаноатлантириб, жабрланувчи Х.С томонидан келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Тураевнинг маърузасини, жабрланувчи Х.Сни ўзининг апелляция шикоятини



қаноатлантириб, судланувчи Б.Э, Г.Аларнинг ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш, судланувчилар Б.Э, Г.А ва уларнинг ҳимоячиси Х.Эргашбоевни ўзларининг апелляция шикоятини қаноатлантириб, жабрланувчи Х.Снинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш, судланувчи Х.Т ва унинг ҳимоячиси А.Кабироваларни судланувчилар Б.Э, Г.Аларнинг ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятини қаноатлантириб, жабрланувчи Х.Снинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини, прокурор Х.Рахмоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Х.Т апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2021 йил 3 ноябрь куни Шаҳрихон тумани марказий деҳқон бозорида савдо қилаётганида, Х.С бозордаги савдогарларни уяли алоқа телефони орқали видеога олиб, кимнидир ҳақорат қилиб юрганини кўрганини, соат 16:30 ларда савдо қилаётган жойи олдидан Б.Э ўтиб кетаётиб, ундан Х.Сни қаердалигини сўраб, ўзи билан бирга боришлигини айтганида, Б.Э билан Х.С турган деҳқон бозоридаги тим остига келишганини, Б.Э Х.С телефонини олиб кетганини айтиб, Х.Сдан телефонини сўраганида, Х.С жанжал кўтариб, бақир-чақир қилганини, Х.Сни тим остида очиқлик майдонига етаклаб олиб чиқаётганида, Х.С ерга йиқилганини, шу вақтда Б.Э қизи Г.А билан Х.Сни қўлидаги телефонини кўриш учун ушлаб тортишганини, Х.С эса телефонини қўли билан маҳкам ушлаб олганини, Х.Сни қўлидаги телефон Б.Эга тегишли эмаслигини кўришиб, бу ердан кетишганини, Х.Сга қасддан тан жароҳати етказмаганини, уларни ажратиб қўймоқчи бўлганини кўрсатиб, ишни қонуний ҳал қилиб, енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Б.Э апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, Х.С билан ўрталарида низо бўлиб келганини, 2021 йил 3 ноябрь куни Шаҳрихон тумани марказий деҳқон бозорида савдо қилаётганида Х.С ундан қўнғироқ қилиб олиш учун уяли алоқа телефонини сўраб олганини, савдо ишлари билан банд бўлганида, Х.С телефонини ўзи билан олиб кетганини, Х.Сни қидириб, таниши Х.Т билан кўришиб, ундан Х.Сни сўраб, Х.Сни деҳқон бозоридаги тим ичида турганини кўришиб, унинг ёнига телефонини олиш мақсадида боришганини, уларнинг ортидан қизи Г.А ҳам бирга келганини, Х.Сдан телефонини сўраганида, Х.С телефонини олмаганини айтиб, бақир-чақир қилганида, уни қўлидан ушлаб, тимдан ташқарига олиб чиқиб кетишаётганида, Х.С туртиниб кетиб, ерга йиқилганини, Х.Т ҳам у билан бирга йиқилиб, унинг устига тушганини, Х.Сни қўлидаги телефонини тортиб олиб қарганида, телефон ўзига тегишли эмаслигини билиб,



телефонини қайтариб бериб, у ердан кетиб юборганини, жанжалда Х.Сни ҳеч ким қасддан уриб, унга тан жароҳати етказмаганини, Х.Сни ўнг қўл тўртинчи бармоғидаги тан жароҳати жанжалдан аввал олганини, жанжалдан аввал у қўлини боғлаб юрганини билишини, ишни қонуний ҳал қилинишини кўрсатиб, оқлов ҳукми чиқарилишини сўради.

Судланувчи Г.А апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2021 йил 3 ноябрь куни Шаҳрихон тумани марказий деҳқон бозорида савдо ишларида онаси Б.Эга ёрдам бераётганида, Х.С онаси Б.Эни олдига келиб, онасининг уяли алоқа телефонини фойдаланиш учун олиб, у ердан кетиб юборганида, уни қидиришганини, таниши Х.Т ҳам уларга қўшилганини, сўнг Х.Сни учратишиб, унинг қўлидан телефонни олмоқчи бўлишганида, Х.С қаршилик кўрсатганини, шунда Х.Тни қўлидан ушлаб бозорни очиқлик жойига олиб чиқаётган вақтда, Х.С ерга йиқилганини, Х.Т унинг устига йиқилганини, онаси Б.Э телефонни олиш мақсадида Х.Сни қўлидан ушлаб, телефонни олаётиб, телефон уларники эмаслиги кўриб, уни телефонига тегмасдан у ердан кетиб юборишганини, Х.Сни уришмаганини, унга тан жароҳати етазишмаганини, унинг ўнг қўл тўртинчи бармоғидаги тан жароҳати жанжалдан аввал ҳам бўлганини кўрсатиб, ишни қонуний ҳал қилиб, оқлов ҳукми чиқарилишини сўради.

Жабрланувчи Х.С апелляция инстанцияси судида, 2021 йил 3 ноябрь куни туман ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтган йиғилишда қатнашиб, бозордаги тартиб-интизом ҳақида сўзлагани, лекин бозордаги тадбиркорлар ҳақида ёмон сўзлар гапирмагани, шу куни шахсий ишлари билан бозорда бўлганида, бозорда савдо қилувчи Н.Каримова ёнига келиб, у билан гаплашиб турганида, Б.Э ва О.Исмоиловалар ҳам келишиб, Б.Э бозорни ёпиш унга эмаслигини, таниш билишлари кўплигини, улар орқали 15 суткага қаматишини айтгани, нима сабабдан бундай қилаётганини, қўлидан келганини қилишини айтганида, Б.Э жаҳл қилиб, уни бозордан ташқарига олиб кетмоқчи бўлгани, ўзини ҳимоя қилиб, бозор ичидаги тимга кириб олгани, орадан ярим соат вақт ўтганидан сўнг Б.Э ва унинг қизи Г.Алар келиб, унга ташланиб, Б.Э елкаларидан ушлаб, куртқасидан тортиб судрагани, Х.Т орқасидан келиб, қўлидан тортиб ушлаб тургани, Б.Э қизи Г.А билан уни ерга ётқизиб уришгани, Б.Э қўлини қайириб, тан жароҳати етказгани, шунда оғриқдан бақиргани, кейин улар кетиб юборишгани, бозор дарвозасидан чиқиб кетаётганида О.Исмоилова келиб, ҳеч бир сабабсиз бошига уриб, ҳақорат қилгани, ҳақиқатда жанжалда дастлаб Х.Т ерга йиқитиб чап қўлига ургани, Б.Э ва Г.Алар ўнг қўлини ушлаб қайириб, тизза ва қорнига тепиб юборишгани, ўшанда тан жароҳати олгани, шу сабабли Н.Каримова ва О.Исмоиловаларга ҳам жиноят иши қўзғатиб, судланувчи Х.Т, Б.Э ва Г.Абдурахмоновларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Э, Х.Т ва Г.Алар айбларига иқрорлик билдиришмасида, уларнинг айблари, Х.Снинг аризаси, тушунтириш хатлари, маълумотнома,



суд-тиббий экспертизаси хулосаси, олинган видео лавҳалар, видео лавҳаларни айбланувчиларни иштирокида кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Судланувчилар Б.Э ва Г.Анинг апелляция шикоятларидаги, Х.Т билан биргаликда Х.Сга тан жароҳати етказишмагани, Х.С қўлидаги жароҳатни воқеадан олдин олгани, бу ҳолатни судда сўроқ қилинган гувоҳлар ҳам тасдиқлашгани, экспертиза хулосасида ҳам Х.Сни жароҳати эски жароҳат экани ҳақида хулоса берилгани ҳақидаги важлари, юқоридаги далиллар билан бир қаторда, жабрланувчи Х.Снинг унга жароҳатни Б.Э, Х.Т ва Б.Абдурахмоновлар биргаликда етказишгани, гувоҳ Ш.Солиевнинг Шаҳрихон тумани тиббиёт биирлашмасида травматолог шифокор вазифасида ишлаши, 2021 йил 3 ноябрь куни Х.С Шаҳрихон тумани деҳқон бозорида таниш аёллар томонидан калтакланиб жароҳат олгани хусусида мурожаат қилгани, Х.Снинг ўнг қўл тўртинчи бармоқ биринчи фалангасида шиш, оғриқ, қизариш, кўкариш борлиги, тўртинчи бармоқ фалангасини тиргак пайи узилгани, аломатларидан жароҳат янги жароҳат бўлгани ҳақидаги кўрсатувлари билан рад қилингани сабабли, судлов ҳайъати уларнинг юқоридаги важларини жавобгарликдан қутулиш учун атайлабдан келтирган важлар деб баҳолайди.

Жабрланувчи Х.Сга судланувчилар Х.Т, Б.Э ва Г.Абдурахмоновлардан ташқари Н.Каримова ва О.Исмоиловлар ҳам тан жароҳати етказганини тасдиқловчи етарли далиллар бўлмагани сабабли, судлов ҳайъати унинг шикоятларидаги Н.Каримова ва О.Исмоиловага нисбатан жиноят иши кўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун тегишли материалларни прокурорга юбориш ҳақидаги важларини ўринсиз важлар деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Б.Э, Х.Т ва Г.Алар олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, Х.Сга қасддан ўртача оғир шикаст етказганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1 ва 3-бандларида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар



бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи Х.Т, Б.Э ва Г.Абдурахмоновларга жазо тайинлашда, юқоридаги Қонун талабига ва Олий суд Пленум қарорида берилган тушунтиришларга амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, уларга қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, қилмишларига яраша асосли жазо тайинлаган.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>17</sup>, 497<sup>25</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>- моддалари тартибида судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг 2022 йил 10 майдаги Х.С.Т, Б.К.Э ва Г.С.Ага нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Н.Расулов

Ҳайъат судьялари

У.Имомова

А.Тураев

